

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01. 2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎХТАСИНОВ ДАДАХОН ФАРХОДОВИЧ**

**5-9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАНТИҚИЙ ТАФАККУРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical  
sciences**

**Тўхтасинов Дадахон Фарходович**

5-9-синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини  
ривожлантириш..... 3

**Тухтасинов Дадахон Фарходович**

Развитие логического мышления учащихся 5-9  
классов..... 20

**Tukhtasinov Dadakhon Farkhadovich**

Development of logical thinking of students in grades 5-9 ..... 38

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01. 2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎХТАСИНОВ ДАДАХОН ФАРХОДОВИЧ**

**5-9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАНТИҚИЙ ТАФАККУРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ped514. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Садикова Албина Венеровна**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Хакимова Муҳаббат Файзиёвна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Усаров Жаббор Эшбекович**  
педагогика фанлари доктори (DSc)

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «4» август оят 11 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1415 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» 07 да тарқатилди.  
(2021 йил «24» июл да 12 рақамли ресср баённомаси)



**Б.С.Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор

**В.Г.Исмаилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, пед.ф.н., доцент

**Н.А.Муслимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, пед.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим муассасаларида ўқувчилар қобилиятини ривожлантиришнинг дидактик, креатив, интегратив, ижодий, касбий билимлардан самарали фойдаланиш модуллари ва технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Халқаро UNESCO, UNICEF ташкилотлари томонидан 2030 йилгача қабул қилинган таълим концепциясида «таълим тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият» сифатида эътироф этилиб, сифатли таълим бериш, ўзлаштириш натижаларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш ва ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантиришнинг самарали усулларидан фойдаланиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида умумий ўрта таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, назарий-методологик жиҳатларини ривожлантириш, ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантириш моделини такомиллаштириш, ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув вазиятларининг дидактик-педагогик имкониятлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантирувчи жараёни ташкил этишга йўналтирилган педагогик-психологик имкониятларни яратиш, мантиқий тафаккурни ривожлантириш самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда умумий ўрта таълим муассасалари учун адабиётларнинг янги авлодини яратиш, профессионал таълимни татбиқ этиш, қўшма таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкиллаштиришнинг меъёрий асослари яратилди ва моддий-техник базаси такомиллаштирилмоқда. «Ёшларни жисмонан, руҳан ва ақлан соғлом, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш»<sup>1</sup> устувор вазифалар этиб белгиланган. Натижада, ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантиришнинг тизимли-функционал моделини такомиллаштириш, дидактик, технологик интегратив топшириқларни бажариш орқали ўқувчилар мантиқий тафаккурини ривожлантириш борасида йирик тадқиқотлар олиб бориш имкониятлари кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. 6-сон.

ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таълим жараёнида мантиқий тафаккурни ривожлантириш масалалари Б.С.Абдуллаева, А.А.Абдуқодиров, Д.Н.Абдувалиева, М.В.Зиннатова, В.М.Каримова, М.Ш.Маматов, Д.М.Махмудова, А.А.Парманов, Ф.А.Рахматова, У.Ж.Содиқов, Ж.Т.Туленов, Т.У.Ўтапов, Н.О.Эшпўлатов, Д.И.Юнусова, Э.Ю.Юсупов, Э.Ғ.Ғозиев кабилар томонидан тадқиқ этилган.

МДХ мамлакатлари олимларидан Г.Ю.Алексеева, О.В.Алексеева, И.К.Амонов, И.Н.Агафонова, И.А.Липина, С.Л.Рубинштейн ва бошқалар тафаккурнинг умумий назарияси, мантиқий тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик-психологик асослари бўйича илмий-тадқиқот олиб борганлар.

Хорижий давлатларда француз педагог-психологи Т.Ribo, Швейцария файласуф-психологи J.Piaje, Австрия педагог-психологи Z.Freyd, америкалик педагог-психологлар P.Torgens, J.Vruner ва бошқа тадқиқотчилар мантиқий тафаккурни ривожлантиришнинг методик таъминотини яратиш масалаларига оид тадқиқот ишлари амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Таълим мазмунини модернизациялаш асосида ўқувчилар касбий компетенцияларини шакллантириш технологиялари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** таълим жараёнида 5-9-синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

5-9-синф ўқувчиларида мантиқий тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини фалсафий, психологик таҳлил этиш;

мантиқий тафаккурни ривожлантиришнинг тизимли-функционал моделини такомиллаштириш;

дидактик, технологик интегратив топшириқларни бажариш орқали ўқувчилар мантиқий тафаккурини ривожлантириш;

мантиқий тафаккурни ривожлантиришнинг мослашувли-йўналтирувчи, таянч ва креатив-продуктив босқичларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 5-9-синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожлантириш жараёни танланган бўлиб, педагогик тажриба-

синовда Фарғона вилоятдан 2 та, Тошкент шаҳридан 1 та ва Жиззах вилоятдан 1 та умумий ўрта таълим мактаби 916 нафар 5-9-синф ўқувчилари иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни 5-9-синф ўқувчиларида таълим жараёнида мантиқий тафаккурини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш) усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

5-9-синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожлантиришнинг ташкилий-тузилмавий компонентлари (фаолиятли, инновацион, амалиётга йўналганлик) имитацион технологиялар (локал технологиялар, тренинглар, топшириқлар лойиҳаси, ролли ўйинлар)ни мантиқий тафаккурнинг ривожлантириш тизими (мавҳумлаштириш, умумлаштириш, таҳлил ва синтез)га уйғунлаштириш асосида аниқлаштирилган;

мантиқий тафаккурни ривожлантириш яхлит тизим сифатида коммуникатив, электрон-ахборот таълим ресурсидан фойдаланиш, ўз устида ишлаш, креативлик, башорат қилишни ўз ичига олган модель иқтисодиётнинг реал сектори талабларига мос дидакти таъминотнинг методологик, рефлексив, мазмунли, мотивацион, ривожлантирувчи, ташкилий-методик ва тизимли-функционал натижавийлик компонентлари аниқланган;

мантиқий тафаккурни ривожлантиришнинг дидактик таъминотининг ишлаб чиқиш – методик компонент сифатида инновацион ўқитишнинг когнитив (ахборотни қайта ишлаш, сақлаш, узатиш, касбий билимга йўналганлик), ўқув-ижодий фаолиятга шахсий муносабатни қарор топтириш компонентлари интеграцияси устуворлиги асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълимда, таълим жараёнида мантиқий тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик имконияти мотивацион каби кўп векторли ёндашув босқичлари эмоционаллик, прогрессивлик, мотивация, оптималлик, эффективлик, технологик сингари ижтимоий-педагогик баҳолаш мезонларини киритиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

5-9-синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожлантириш асосида таълимнинг ҳозирги ҳолати таҳлил этилиб, ўқитишнинг методик тизими такомиллаштирилган;

5-9-синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожлантириш модели мантиқий тафаккурни ривожлантириш босқичларини фаоллаштиришга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

5-9-синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожлантириш бўйича электрон таълим ресурсини яратишга оид тавсиялар ҳамда топшириқлар тўплами яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога педагогик-психологик, педагогик ёндашув таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчи педагогларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўллангани, тажриба-синов ишларининг таҳлили, репрезентативлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминлангани, математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишлангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ қилингани, натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган, такомиллаштирилган методик тизим ва тавсиялардан таълим жараёнида фойдаланиш, 5-9-синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожлантиришнинг педагогик-психологик ва фалсафий асослари, мантиқий тафаккур, фаразлар ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришдаги муайян илмий қарашлар ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилгани ва такомиллаштирилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти математика дарсларида мантиқий тафаккурни ривожлантиришга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилгани, 5-9-синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожлантиришга оид таклиф этилаётган ёндашувлардан умумий ўрта таълим ДТС, фан дастурлари, янги авлод дарсликлари, ўқув ва методик қўлланмаларини яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 5-9-синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

5-9-синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожлантиришнинг ташкилий-тузилмавий компонентлари (фаолиятли, инновацион, амалиётга йўналганлик) имитацион технологиялар (локал технологиялар, тренинглар, топшириқлар лойиҳаси, ролли ўйинлар)ни мантиқий тафаккурнинг ривожлантириш тизими (мавхумлаштириш, умумлаштириш, таҳлил ва синтез)га уйғунлаштиришга оид таклифлар ИТД-1-148 рақамли «Таълим мазмунини модернизациялаш асосида ўқувчилар касбий компетенцияларини шакллантириш технологиялари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2857-сон маълумотномаси). Натижада, 5-9-синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожланиш жараёни самарадорлиги оширилган;

мантиқий тафаккурни ривожлантириш яхлит тизим сифатида коммуникатив, электрон-ахборот таълим ресурсидан фойдаланиш, ўз устида ишлаш, креативлик, башорат қилишни ўз ичига олган модель иқтисодиётнинг реал сектори талабларига мос методологик, мазмунли, ташкилий-методик ва натижавийлик компонентларига оид таклифлар умумий ўрта таълим, Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2857-сон



маълумотномаси). Натижада, мазкур 5-9-синф ўқувчиларининг мантикий тафаккури таълим сифатини таъминлашнинг миллий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантирилган;

мантикий тафаккурни ривожлантиришнинг дидактик таъминоти, ўқув-ижодий фаолиятга шахсий муносабатни қарор топтириш компонентлари интеграцияси ҳамда умумий ўрта таълимда, таълим жараёнида мантикий тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик имконияти мослашувли-йўналтирувчи, таянч ва креатив-продуктив босқичлари мазмунини аниқлаштириш бўйича таклифлар “Умумий педагогика (Педагогик маҳорат)” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2857-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг мантикий тафаккурини ривожлантирувчи компетенциялар шакллантирилган ҳамда таълим мазмуни ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш имкониятлари оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та республика ҳамда 5 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркиби кириш, 3 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 123 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг биринчи боби «**Ўқувчиларда мантикий тафаккурни ривожлантиришнинг назарий асослари**» деб номланиб, унда ўқувчиларнинг мантикий тафаккури ривожлантиришнинг психологик ва педагогик жиҳатлари, ўқувчиларда мантикий тафаккур ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, 5-9-синф ўқувчиларида мантикий тафаккурини ривожлантиришнинг зарурати ёритиб берилган.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим жараёнида ўқувчиларнинг мантикий тафаккурини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати ўрганилди, ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинди ҳамда уларга аниқликлар киритилди. Шундан келиб чиқиб, хорижий давлатлар таълим тизимида эришилган тажрибалар билан мамлакатимиз умумий ўрта таълимдаги

ютуқлар ва камчиликларни аниқлаш, таққослаш ҳамда бу соҳада аниқ вазифаларни белгилаб олиш мақсад қилиб қўйилди.

Мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим муассаларида мантиқий тафаккурни ривожлантириш жараёни ва унинг ўқув-услугий таъминоти ҳамда ташкилий тузилмалари билан боғлиқ ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар мавжуд. Таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантириш жихатларини такомиллаштириш бўйича философлар, психологлар, педагоглар лойихалар бажармоқда. Тадқиқотлар таълим олувчиларнинг ўқув жараёнидаги мустақил таълим дидактик мақсадларини шакллантиришга имкон яратади.

Диссертацияда юқори даражали мантиқий тафаккурни ривожлантиришга қаратилган тизимнинг такомиллашган структураси берилган (1-расмга қаранг):



**1-расм. Мантиқий тафаккурни ривожлантириш тизими**

Мантиқий тафаккурни ривожлантириш, янги билимларни ўзлаштириш учун ўқувчига кўпинча мавҳумлаштириш, умумлаштириш, таҳлил ва синтез қилишга ёрдам берувчи мос шароитларни яратиш талаб этилади.

Ўқувчининг 11 ёшигача жамланган тафаккур операциялари тизими унда илмий тушунчаларни шакллантириш, интеллектуал ривожланиш учун замин тайёрлайди, яъни ушбу даврда ўқувчи объектларга боғлиқлик ҳиссидан озод бўлади, шу билан бирга, объектив фикрлаш имкониятига эга бўлади.

Бугунги кунда 5-9 - синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожлантиришнинг асосий мақсади – ёш авлодни ҳар томонлама етук, жамиятимиз тараққиёти учун зарур бўлган баркамол инсонлар этиб шакллантириш ҳисобланади. Баркамол инсон ўзида маънавий ва жисмоний етукликни мужассам этади.

Мантиқий тафаккур бошқа психик жараёнлардан, унда маълум бир муаммоли вазият мавжудлигини таъкидлайди, уни ҳал қилиб, қайси бир шахснинг ҳиссий тажрибадан чалғитиши ва муайян амалий ёки назарий хулосалар чиқаришига, билим чегараларини кенгайтиришга қарор қилиш хусусиятлари билан фарқ қилади. Мантиқий тафаккур кўпинча ижтимоий амалиётнинг тарихий ривожланиш маҳсули, инсон фаолиятининг алоҳида назарий шакли сифатида қаралади. Тафаккур воқеликни нафақат оддий образлар, балки ўз навбатида, назарий йўл билан олинган турли алоқалар, қонунлар сифатида акс эттиради. Бу борада А.В.Брушлинский шундай ёзганди: “тафаккурнинг асл табиати шундан иборатки, у доим қандайдир янгиликни мустақил, очик ҳолда кашф этади. Аввало тафаккурга онгли фаолиятнинг номаълум маҳсули сифатида, унга дарҳол эришиш мумкин эмас. Бошқа

томондан, у кейинги фаолиятлар учун жуда зарурдир. Мазкур ҳолатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ўзида маълум бир вазифа ёки муаммони изловчи ва кейин эса уларни ҳал этилиши йўлларининг топилишини намоён этувчи психик янги ҳосилалар шаклланиш жараёнида ифодаланади. Мана шунинг учун тафаккур жараён сифатида, олдиндан тайёр ва тақдим этиладиган бўлмай, балки шакллантирувчи жараён бўлиб ҳисобланади”.

Мавзу бўйича илмий тадқиқотлар таҳлили ҳам ушбу тадқиқот иши асосида куйидаги хулосалар чиқарилди:

Бизнинг фикримизча, мантиқий тафаккурини ривожлантириш ўқувчилар фикрининг аниқлиги ва мустақамлигига хизмат қилади. Бу эса объектив воқеликдаги воқеа ва ҳодисалар, абстрак тушунчаларни англаш, улар ҳақида фикр юритиш, ўзига хос томонларини ўрганишга, мантиқий таҳлилга имкон яратади. Маълумки, фанга оид тушунчаларнинг асосий қисмини абстрак тушунчалар ташкил этиб, уларни англаш, улар ҳақида фикр юритиш, ўзига хос томонларини ўрганиш, таҳлил қилиш ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантириш асосида амалга оширилади;

5-9-синф ўқувчиларининг тафаккурининг кенг доирада умумлаштиришга мослашувини шакллантириш муҳим бўлиб, бу улардан интеллектуал фаолиятни ташкил этишга ўрганишни талаб этади. Умумий мантиқий малакалар шаклланиш жараёни интеллектуал фаолият компоненти сифатида мақсадга йўналтирилиш асосида амалга оширилади.

Таълим жараёнида мантиқий тафаккурни ривожлантиришнинг мақсад ва мазмунини аниқлаб олиш; ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш, мониторингини олиб бориш ҳамда билим ва касбий маҳоратларини эгаллаш сифатини баҳолаш учун креатив ёндашувга асосланган мантиқий топшириқларини ишлаб чиқиш; турли шаклдаги ижодий топшириқларни тузишда яратилган интерфаол технологиялардан, муаммоли ўқитиш шаклларида, интерактив методлардан фойдаланиш ҳамда амалиётга жорий қилиш масалалари таҳлил этилган.

Диссертацияда мантиқий тафаккурни ривожлантириш мазмунини белгилашда: умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг ёш хусусиятларини эътиборга олиш, мантиқий тафаккурини ривожлантириш мазмунига фанларнинг ўзига хос асосларини сингдириш, ўқувчиларда эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш малакаларини шакллантириш, фаолликларини ривожлантириш, дарслик ва қўлланмаларни ўқувчи тафаккурини ривожлантиришга мўлжалланган материаллар билан бойитиш, фан ўқитувчиларининг педагогик билими ҳамда маҳоратини ошириш, илғор тажрибаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этиш муҳимлиги таъкидланган.

Ҳар бир фанда мантиқий тафаккурни ривожлантиришни амалга ошириш имконини берувчи объектив шарт-шароитларни яратиш (замонавий ўқув жиҳозлари, техника воситалари, ўқув дастури, дарслик, ўқув ҳамда методик қўлланмалар, кўргазмалар қуроли); фан ўқитувчиларининг педагогик билими ва маҳоратини ошириб бориш, педагогик технологиялар назариясига оид маълумотлар бериш, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, мантиқий тафаккурни ривожлантиришга янгича технологик ёндашувни қарор топтириш;

фанлардан мантикий тафаккурни ривожлантиришнинг метод (case study, ялпи фикрий хужум, қарорлар шажараси), шакл ва воситаларини қўллаш; машғулотларни ўтказишга жиддий тайёргарлик кўриш вазифаларини амалга ошириш белгиланди.

## 1-жадвал

### Ўқитувчиларни “ўқувчиларнинг мантикий тафаккурини ривожлантириш”га тайёрлаш тизими

№	Босқич	Амалга ошириладиган ишлар мазмуни
1.	I босқич – мослашувчи йўналтирувчи	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқувчиларнинг мантикий тафаккурини ривожлантиришга доир креатив мотивацияни шакллантириш;</li> <li>- ўқувчиларнинг мантикий тафаккурини ривожлантиришга доир касбий фаолиятнинг ўзига хосликлари билан танишиш;</li> <li>- креатив ёндашув бўлажак ўқитувчининг ўқувчилар мантикий тафаккурини ривожлантиришга доир фаолиятининг муҳим компоненти эканлигини англаш;</li> <li>- “Педагогика назарияси” курсини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг ақлий тарбияси, илмий дунёқарашини шакллантиришга доир маълумотларни ўзлаштириш.</li> </ul>
2.	II босқич – таянч	<ul style="list-style-type: none"> <li>- бўлажак касбий фаолиятга ижобий муносабатни қарор топтириш;</li> <li>- ўқувчиларнинг мантикий тафаккурини ривожлантиришга доир креатив саводхонлик, креатив кўникма ва қобилиятларни жадал шакллантириш;</li> <li>- “Иқтидорли ўқувчилар психологияси” танлов фани ва “Педагогик фанларни ўқитиш методикаси” фанларини ўзлаштириш орқали билимлирини ошириш;</li> <li>- ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, табиий фанлар, умумкасбий фанлар, ихтисослик фанлари, кўшимча фанлар блокларидаги билимларни ўзлаштириш асосида ўқувчиларнинг мантикий тафаккурини ривожлантиришга доир компетентликни қарор топтириш;</li> <li>- бўлажак ўқитувчининг умумкасбий ва 5-9-синф ўқувчилари билан ишлашга йўналтирилган креатив сифатларни ўзлаштириш, диагностик натижалар асосида ўзининг касбий ривожлантириш йўналишларини аниқлаш.</li> </ul>
3.	III босқич – креатив-продуктив	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқувчиларнинг мантикий тафаккурини ривожлантиришга доир барқарор мотивларни қарор топтириш;</li> <li>- ўқув-касбий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган креатив саводхонлик, креатив кўникма ва қобилиятларни мақсадга йўналтирилган тарзда қўллаш ва фаоллаштириш;</li> <li>- педагогика, психология, ўқитиш методикаси ва 5-9-синф ўқувчиларини танлаш, улар билан ишлашнинг креатив шакл, метод, восита ва технологияларини амалиётда қўллаш ва ўз фаолиятини коррекциялаш.</li> </ul>

Мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилган ва давом этаётган ислохотлар асосини ҳам ўқитувчи шахсининг замонавий қиёфасини яратиш масаласи ташкил этади. Бунинг учун, табиий равишда, жаҳоннинг илғор таълим-тарбия концепцияларига таяниб иш кўриш зарурати олдинги ўринга чиқади. Илғор хорижий тажриба ва технологияларга кўра, мантикий тафаккури ривожланган ўқувчиларни тарбиялаш ҳамда ривожлантиришда ўқитувчиларнинг ўз ўқувчилари учун маслакдош, етакчи, маслаҳатчи сифатида шаклланиши вазифаси белгилаб қўйилган. Тадқиқот жараёнида бўлажак ўқитувчиларни мантикий тафаккури ривожланган ўқувчиларга таълим-тарбия

беришга тайёрлашда эдвайзерлик фаолиятига йўналтириш муҳим аҳамият касб этиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра креатив ёндашув асосида 5-9-синф ўқувчиларни мантиқий тафаккурини ривожлантиришга тайёрлаш учта (мослашувли-йўналтирувчи, таянч, креатив-продуктив) боскичда амалга оширилиши лозим, деган хулосага келинди (1-жадвалга қаранг).

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчи ўз устида ижодий ва тинимсиз ишласагина билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин. Ўқувчиларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари таълимга мантиқий ёндашув жараёнидагина шаклланади, мантиқий ёндашув асосида фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади. Ушбу фикрларда кўзда тутилган мақсадга эришиш жараёни нафақат ўқувчиларнинг ўзигагина боғлиқ, балки: ота-оналар, ўқитувчи ва мураббийлар шу билан бирга барча ижтимоий соҳа вакилларининг ҳам муҳим вазифаларидан хисобланади. Ўқувчиларда мантиқий тафаккурни ривожлантириш, уларни юқорида келтирилган сифатлар эгаси бўлишларида ҳар-бир масъулларни рэжа асосидаги фаолиятига ижодкорона ёндашуви муҳим аҳамият касб этиб, бу бўғиннинг ақалли биттасининг эътиборсиз ёндашуви натижаларнинг кутилгандек бўлмаслигига сабаб бўлади

Диссертациянинг «**Таълим жараёнида 5-9-синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожлантириш**» деб номланган иккинчи бобда таълим жараёнида ўқувчилар мантиқий тафаккурини ривожлантириш шартларининг дидактик комплексини амалиётда қўллаш йўллари, таълим жараёнида ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантирувчи топшириқлар тизими ва воситаларини танлаш ҳамда уларни тавсифлаш масалалари ўз ифодасини топган.

Ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантиришни самарали ташкил қилишда ўқув машғулотларини лойиҳалаштиришнинг аҳамияти беқиёс эканлиги илмий жиҳатдан асосланди. Педагогик технология тамойиллари асосида фанлар бўйича ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиш методикаси ва амалиёти кўрсатиб берилди.

Мантиқий тафаккурни ривожлантиришнинг ташкилий-услубий таъминотини ишлаб чиқиш шарт-шароитлари кўрсатиб берилди ва уни яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди, шу асосида ўқув фанларидан мантиқий тафаккурни ривожлантиришнинг ташкилий-услубий таъминоти яратилди. Зеро, умумий ўрта таълим ўқувчиларининг мантиқий фикрлашга лаёқатлилиги, креатив таълим олиш кўникмасини шакллантириш каби хусусиятларини ривожлантиришнинг ташкилий-услубий таъминотини замонавий педагогик ҳамда ахборот-таълим ресурсларидан ижодий фойдаланиш орқали таъминлаш мумкин.

170 соатга мўлжалланган математика таълими жараёнида 5-синф ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантирувчи топшириқлар тизими ва воситаларини машғулотлар мазмунига сингдириш ҳамда уларни тавсифлаш масалаларини кўрсатиб ўтамиз.

**2-жадвал**


## Ўқувчиларга мантиқий топшириқлар бериш учун танланган мавзулар

Синф/фан	Чораклар кесимида соатлар тақсимоти	Ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурни ривожлантирувчи топшириқлар устида ишлаши учун режалаштирилган соат	Изоҳ
5-синф математика (Бир ўқув йилига 170 соат)	I чорак (45 соат)	(17 соат)	Мантиқий топшириқлар бериш ва ўқувчилар билан ушбу масалаларда шуғилланиш учун ажиратиб олган соатларимизда асосан қуйидаги жи хатларга эътибор қаратилган: - фаннинг янги мавзулар баён этилмайдиган соатлари; - бир ўқув соат учун ажратилган вақтнинг тақсимотида топшириқларга ўрин мавжудлигини ҳисоби олинди.
	II чорак (35 соат)	(19 соат)	
	III чорак (50 соат)	(24 соат)	
	IV чорак (40 соат)	(29 соат)	

Ҳар бир фан бўйича ажратиб олинган соатларда ўқувчиларга етказиш, биргаликда муҳокама этиладиган топшириқлар ва ҳаётий масалаларни танлаш, мавзулар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнига киритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

5-9-синф ўқувчиларида мантиқий тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик модели мақсад, вазифалар, тамойиллар, педагогик шарт-шароитлар, баҳолаш мезонлари, даражалар ва кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилган. Шунингдек, ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантириш модели мантиқий тафаккурни ривожлантириш босқичларини фаоллаштиришга устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган (2-расмга қаранг).

Ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантириш моделининг самарали ишлашини таъминловчи педагогик шарт-шароитлар: ўқувчиларни ижодий топшириқларни тузиш ва ҳал қилиш кўникмалари шаклланишини таъминловчи ижодий фаолиятга жалб этиш; ижтимоийлашув компонентлари, мезонлари, кўрсаткичлари, даражалари; ўқувчилар мантиқий фикрлашининг мониторингини олиб бориш; педагоглар ва мантиқий фикрлайдиган ўқувчиларнинг ижодий потенциали интеграциясини таъминлаш назарда тутилади.



2-расм. 5-9-синф ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожлантиришнинг тизимли-функционал модели

Шунингдек, ушбу бобда ўқувчиларнинг мантикий тафаккурини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бунинг учун, дастлаб, уларга дарс жараёнини қизиқарли ва фаол ўтиши учун мантикий топшириқлар, сўнгра ҳар бир фан бўйича ўтилиши режалаштирилган янги мавзунинг баёни атрофлича ўргатиш кераклиги асосланди. Янги мавзуга тегишли маълумотларни ўрганишда фаннинг қолаверса айнан шу мавзунинг қийинлик даражаси ва бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда методлардан кенг фойдаланилди.

Шуларни эътиборга олиб, ушбу параграфда танланган методларнинг моҳиятини ва ушбу методлар ўқув машғулотларининг назарий бўлмаган қисмларига ҳам татбиқини кўриб чиқишга алоҳида урғу бериш назарда тутилади.

Бизга маълумки, умумий ўрта таълимда фанларни чуқур ўрганиш иқтисодиётнинг, фан-техниканинг ривожланишида, уларни ишлаб чиқаришга, қолаверса, ҳаётимизнинг турли соҳаларига татбиқ қилишда ўрни каттадир. Ёшлар орасидан мантикий фикрлайдиган ўқувчиларни ажратиш ва мақсадли тайёрлаш долзарб вазифалардан биридир. Бу вазифаларни амалга ошириш учун таълим жараёнида мантикий ва креатив кўринишга эга топшириқларни мумтазам бериб бориш ҳамда мураккаб топшириқларни янгича ёндашув ва янгича фикрлашлар орқали топишни ўргатиш керак деб ўйлаймиз.

Диссертациянинг «**Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш**» деб номланган учинчи бобда ўқувчиларнинг мантикий тафаккурини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларининг мазмуни, 5-9 - синф ўқувчиларининг мантикий тафаккурини ривожлантириш бўйича тажриба-синов натижаларининг математик-статистик таҳлили ва самарадорлиги ҳақида фикр юритилган.

Республикаимизнинг умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг мантикий тафаккурини ривожлантириш, ўқув материалларини лойиҳалаш ва таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш асосида ўқувчиларда мантикий тафаккурни ривожлантиришга бағишланган тадқиқотни олиб бориш жараёнида Фарғона вилоятидан 2 та, Тошкент шаҳридан 1 та ва Жиззах вилоятидан 1 та умумий ўрта таълим мактабининг 5-9 - синф ўқувчилари билан тажриба-синов ишлари олиб борилди.


Тадқиқотда умумий ўрта таълим муассасаларининг 5-9-синф ўқитувчилари учун “Математика ўқитиш методикаси” номли ўқув-услубий қўлланма, мантикий тафаккурини ривожлантириш механизмлари ва уларни ташкил қилиш методикаси, таълим жараёнида ўқув машғулотларини лойиҳалаш ва уларни татбиқ қилиш, шу асосида ўқувчиларнинг мантикий тафаккурини ривожлантириш бўйича топшириқлар тизими ишлаб чиқилган. Тажриба-синов ишлари 2017–2020 йилларда 3 босқичда ўтказилди (3-жадвал).



**Тажриба-синов ишлари олиб борилган таълим муассасалари  
(худудлар кесимида қатнашчилар сони)**

№	Таълим муассасалари	Мақтаблар сони	Ўқувчилар сони		
			Тажриба синфлари	Назорат синфлари	Жами
1	Фарғона вилояти умумий ўрта таълим мактаблари	2	154	152	306
2	Тошкент шаҳри умумий ўрта таълим мактаби	1	178	181	359
3	Жиззах вилояти умумий ўрта таълим мактаби	1	125	126	251
4	Жами	4	457	459	916

Яқуний натижалар барча вилоятларидаги мактаб ўқувчилари мантиқий фикрлаш даражаси тажриба гуруҳида нисбатан юқори эканлиги, Стъудент статситикаси орқали олинган Т нинг қиймати критик қийматдан катталиги, ишонч ораликларининг бир бири билан устма-уст тушмаслиги ва ўқитиш сифатини баҳолаш кўрсаткичининг бирдан катталиги, билим даражаларини баҳоловчи курсаткичларнинг нолдан катталиги, тажриба ва назорат гуруҳларидаги олиб борилган татқиқот ишларидан тажриба гуруҳларда самарали эканлиги ва самарадорлик кўрсаткичи 1,18 (18 %) га юқори эканлигини кўрсатди.



**3-расм. Самарадорлик кўрсаткичлари**

**Яқуний босқичда ўқувчилар мантиқий тафаккурининг  
ривожланганлик даражаси**

	Мезонлар		Мотивацион		Интеллектуал -когнитив		Эмоционал		Амалий	
			сони	% да	сони	% да	сони	% да	сони	% да
Фарғона вилоятидаги умумтаълим мактаблари	Тажриба гурuhi	юқори	60	15,9%	59	15,6%	54	14,3%	71	18,8%
		ўрта	221	58,5%	218	57,7%	200	52,9%	236	62,4%
		паст	97	25,7%	101	26,7%	124	32,8%	71	18,8%
	Назорат гурuhi	юқори	25	6,7%	28	7,5%	23	6,1%	28	7,5%
		ўрта	106	28,3%	111	29,7%	109	29,1%	108	28,9%
		паст	243	65,0%	235	62,8%	242	64,7%	238	63,6%
Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари	Тажриба гурuhi	юқори	61	15,9%	57	14,8%	53	13,8%	70	18,2%
		ўрта	220	57,3%	219	57,0%	198	51,6%	233	60,7%
		паст	103	26,8%	108	28,1%	133	34,6%	81	21,1%
	Назорат гурuhi	юқори	27	7,1%	25	6,5%	25	6,5%	30	7,9%
		ўрта	100	26,2%	103	27,0%	102	26,7%	105	27,5%
		паст	255	66,8%	254	66,5%	255	66,8%	247	64,7%
Жиззах вилоятидаги умумтаълим мактаблари	Тажриба гурuhi	юқори	53	21,3%	51	20,5%	48	19,3%	65	26,1%
		ўрта	135	54,2%	134	53,8%	130	52,2%	141	56,6%
		паст	61	24,5%	64	25,7%	71	28,5%	43	17,3%
	Назорат гурuhi	паст	21	8,3%	22	8,7%	18	7,1%	26	10,3%
		ўрта	80	31,7%	86	34,1%	85	33,7%	87	34,5%
		қуйи	151	59,9%	144	57,1%	149	59,1%	139	55,2%
Жами	Тажриба гурuhi	юқори	174	17,2%	167	16,5%	155	15,3%	206	20,4%
		ўрта	576	57,0%	571	56,5%	528	52,2%	610	60,3%
		қуйи	261	25,8%	273	27,0%	328	32,4%	195	19,3%
	Назорат гурuhi	юқори	73	7,2%	75	7,4%	66	6,5%	84	8,3%
		ўрта	286	28,4%	300	29,8%	296	29,4%	300	29,8%
		қуйи	649	64,4%	633	62,8%	646	64,1%	624	61,9%

Статистик таҳлил ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг самарали кечганлигини тасдиқлади.

## ХУЛОСА

“Таълим жараёнида 5-9-синф ўқувчиларининг мантикий тафаккурини ривожлантириш” мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. 5-9-синф ўқувчиси ўзининг интеллектуал даражаси, билиш имкониятлари, қобилияти билан бошқа ўқувчилардан ажралиб турувчи индивидуал салоҳият эгасидир. Тадқиқот жараёнида 5-9-синф ўқувчиларининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари аниқлаштирилди: аниқ вазиятларда мантикий тафаккурни ривожлантиришнинг муваффақиятини тавсифловчи мантиқ хусусияти ҳамда вазифаларни ҳал этиш жараёнида ахборотларни қайта ишлаш тезлиги, ғояларнинг оригиналлиги, хилма-хиллиги ва чуқурлиги, билиш усулларида индивидуалликнинг акс этиши.

2. Тадқиқот жараёнида 5-9-синф ўқувчилари билан ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги дидактик параметрлари аниқлаштирилди: ўқув жараёнини юқори даражадаги мураккаблик асосида ташкил этиш; ўқув материаллари мураккаблик даражасининг аниқ ифодаланишига амал қилиш; ўқув материалларини жадал ўзлаштириш имконини берадиган усуллар ва технологияларни қўллаш.

3. Тадқиқот жараёнида мантикий фикрлаш интеллектуал қобилиятлар; креативлик; тиришқоқлик (мотивация, қатъият, матонатлилиқ) сифатларининг яхлит тавсифини ўзида акс эттириши ҳақидаги хулосага келинди. Натижада, ўқувчиларда мантикий фикрлашини ривожлантиришнинг мотивацион, эмоционал-иродавий, интеллектуал-фаолиятли, креатив компонентлари мазмуни ва асосий йўналишлари такомиллаштирилди.

4. Ўқувчиларнинг ижтимоийлашувида адаптив (мослашув) – ўқувчи томонидан ижтимоий тажрибанинг ўзлаштирилиши, интериоризация қилиниши, қайта намоён бўлиши; индивидуаллашув – ўқувчининг ўз устида мустақил ишлаши ва эркин фикрлашни рўёбга чиқаришда ўзининг нуқтаи назарини билдириш истаги, ижтимоий хулқ-атвор меъёрларига нисбатан ижобий муносабатнинг қарор топиши; интеграцион – ўқувчи жамиятда ўз ўрнини топиши, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, яъни шахслилик сифатининг таркиб топиши тарзидаги технологик босқичларни ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этиши аниқланди.

5. Тадқиқот жараёнида 5-9-синф ўқувчилари мантикий тафаккурини ривожлантиришнинг диагностик, консультатив, бўш вақтни самарали ташкил этиш ва мафкуравий-профилактик каби ижтимоий-педагогик технологиялари тизими такомиллаштирилди. Ижтимоий-педагогик технологияларни татбиқ этиш асосида 5-9-синф ўқувчилари мантикий тафаккурини ривожлантиришда мотивация – интеллект – креативлик триадасини юқори даражада қарор топтиришга эришилди.

6. 5-9-синф ўқувчилари мантикий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув топшириқлари уларда ўз фаолиятини ижодий тарзда амалга ошириш, имкониятларини аниқ баҳолаш, касбий режаларини аниқлаган ҳолда касбий танловни амалга ошириш, касбий таълим йўналишини мустақил тарзда тўғри танлашга асос бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01. 2020.ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ТУХТАСИНОВ ДАДАХОН ФАРХАДОВИЧ**

**РАЗВИТИЕ ЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ  
5-9 КЛАССОВ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент– 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020.3.Phd/Ped514.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Садикова Албина Венеровна,  
кандидат педагогических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Хакимова Муҳаббат Файзиевна  
доктор педагогических наук, профессор

Усаров Жаббор Эшбекович  
доктор педагогических наук (DSc)

**Ведущая организация:** Джизакский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «4» август 2021 года в 11 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01. 2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №1415). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.: Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «29» июль 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 18 от 24 июля 2021 года).



**Б.С.Абдуллаева**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.п.н.,  
профессор

**Р.Г.Исянов**  
Секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.п.н.,  
доцент

**Н.А.Мустимов**  
Председатель Научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философия (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В образовательных учреждениях мира внедрены в образовательный процесс дидактические, креативные, интегративные, творческие, также модули и технологии эффективного пользования профессиональными знаниями развития способностей учащихся. В концепции образования до 2030 года, принятой международными организациями UNESCO, UNISEF, образование признано в качестве главной движущей силы и важной деятельности, ведущей к достижению целей устойчивого развития, и осуществляется системная работа по совершенствованию методов оценки результатов усвоения и использованию эффективных методов развития логического мышления учащихся.

В образовательных и научно-исследовательских учреждениях мира осуществляется научный поиск в области повышения качества и эффективности общего среднего образования, развитию его теоретико-методологических аспектов, совершенствованию модели развития логического мышления учащихся, дидактико-педагогических возможностей учебных ситуаций, направленных на развитие логического мышления учащихся. Вместе с тем, особое внимание обращается научным исследованиям по созданию психолого-педагогических возможностей, направленных на организацию образовательного процесса, развивающего логическое мышление учащихся, повышению эффективности развития логического мышления.

В нашей республике созданы нормативные основы и совершенствуется материально-техническая база создания нового поколения литературы для учреждений общего среднего образования, внедрения профессионального образования, подготовки кадров в системе совместного образования, совершенствования системы переподготовки и повышения квалификации кадров. В качестве приоритетных определены задачи “воспитание физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами, повышение ее социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества”<sup>2</sup>. Это еще больше расширяет возможности развития логического мышления учащихся общеобразовательной школы.

Данное диссертационное исследование в известной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, №УП-5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №187 “Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. № УП-4947. 7 февраля 2017 года. Сборник законодательных актов Республики Узбекистан. –Т. 2017. №6.

образования” от 6 апреля 2017 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологий в республике I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

**Степень изученности проблемы.** Вопросы развития логического мышления в образовательном процессе исследовали Б.С. Абдуллаева, Д.И. Юнусова, А.А. Абдукодиров, Э.Ю. Юсупов, Ж.Т. Туленов, В.М. Каримова, Э.Г. Гозиев, М.В. Зиннатова, М.Ш. Маматов, М.Ш. Эшпулатова, Д.М. Махмудова, Ф.А. Рахматова, Д.Н. Абдувалиева, У.Ж. Садыков, А.А. Парманов, Т.У. Утапов и др.

Ученые из стран СНГ Г.Ю. Алексеева, О.В. Алексеева, И.К. Амонов, И.Н. Агафонова, И.А. Липина, С.Л. Рубинштейн проводили научные исследования в области общей теории мышления, психолого-педагогических основ развития логического мышления.

В зарубежных странах французский педагог-психолог Т.Рибо, швейцарский философ-психолог Ж.Пиаже, австрийский педагог-психолог З.Фрейд, американские педагоги-психологи Р.Торренс, Ж.Брунер и ряд других ученых проводили работы по исследованию вопросов создания методического обеспечения развития логического мышления.

**Связь диссертационной работы с планом научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнено исследование.** Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладного проекта “Технологии формирования профессиональных компетенций учащихся на основе модернизации содержания образования” плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета.

**Цель исследования** состоит в разработке научно обоснованных предложений по развитию в образовательном процессе логического мышления учащихся 5-9 классов.

**Задачи исследования:**

подвергнуть философскому, психологическому анализу педагогические возможности развития логического мышления учащихся 5-9 классов;

совершенствовать системно-функциональную модель развития логического мышления;

развитие логического мышления учащихся посредством выполнения дидактических, технологических интегративных заданий;

совершенствование адаптивно-ориентировочного, базового и креативно-продуктивного этапов развития логического мышления.

**Объектом исследования.** В качестве объекта исследования выбран процесс развития логического мышления учащихся 5-9 классов, в в

педагогическом эксперименте приняло участие 916 учащихся 5-9 классов 2 средних общеобразовательных школ Ферганской области, 1 школы г. Ташкента и 1 школы Джизакской области.

**Предметом исследования** составляет содержание, формы, методы и средства развития логического мышления учащихся 5-9 классов в процессе обучения.

**Методы исследования.** В ходе исследования использовались методы: теоретические (аналитико-синтетический, сравнительно-сопоставительный, аналогии), диагностические (анкетирование, тестирование, наблюдение, спроектированные методики), прогностический (экспертная оценка, обобщение независимых оценок), педагогический эксперимент и математические (статистическая обработка данных, графическое изображение результатов).

**Научная новизна исследования заключается в следующем:**

